

РЎЗНОМА
1930 ЙИЛ
12 МАЙДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН



ЎЗБЕКИСТОН ЖУМХУРИЯТИ ИИВ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

ҶУМХУРИЯТИ БОШЛАГАН ЎЗБЕКИСТОНДА ЗАЛАТУА

Қонунчиллик ва ҳуқук-тартибот учун!

● 128 (2392)

● 1991 ЙИЛ 24 ОКТАБРЬ

● ПАИШАНБА

● БАҲОСИ 10 ТИЙИН.

ЧАЙҚОВЧИ ҚҰЛГА ОЛИНДИ

«Кимга икра керак?»

Дўконларга кириб, ўзин-гизга керакли нарсани ах-тариб овора бўлиб юрманг. Баригир тополмайсиз. Ях-шиси бозорга боринг. Кўпчиликнинг айтишича, Тошкентдаги Олой бозорида одамнинг жонидан бошқа ҳамма нарсани харид қилиш мумкин.

Мисол дейсизми? Марҳамат, шу йил 5 октябрь куни юз берган воқеа юқоридаги сўзларимизни тасдиқлади.

Фўқаро Н. Р. мамлакатни-мизнинг нариги чеккасида, аниқроғи Петропавловск-Камчатка шаҳрида яшайди. Шу куни у Олой бозорининг «ободлигини» таъминлаш, бунга баҳоли-қурдат «ҳисса» қўшиш учун олис юртидан атай-лаб қадам ранжида қилган эди. Лекин милиция ходимлари уни қўлга олишиди. Нима, хизматга тухматми?

Афсуски, баъзилар шундай ўйлашади. Лекин аслида тамоман бунинг акси. У совуқ ўлқадан Тошкентдай шаҳри азимга отланаркан, тансиқ совгалири билан ўзбекистонликларни курсанд қилишини эмас, сиз ва бизнинг чўнтағимиздаги ақчаларни, чўғи камроқ бўлсада, шилиб олишини мақсад қилиб қўйганди. Хайриятки, ҳуқуқтарибот ходимлари анонӣ эмас эканлар, акс ҳолда...

Келинг, гапни чўзмасдан «берди»сини айтиб қўя қолайлик: Н. Р. дан сиз ва бизнинг тушимиға ҳам кирмайдиган 584 банка «Лосос» қизил икраси мусодара қилинди. Ҳар бири давлат нархида 32 сўм 60 тийин турдиган бу икralарни у

«атиги» 40 сўмдан пуллаётганди. Тасаввур қилинг, агар милиция ходимлари халақит бернишмаганди, ишнинг белига тешишмаганди, у 4 минг 321 сўм 60 тийин «соф фойда» кўрган бўларди. Қалай, ёмон эмас-а?

Энди бугунги иқтисодий танглиқ ҳукм сурган маҳалда боши меҳнатдан чиқмайдиган юртдошлиаримиз турмуш тарзига бир назар ташланг. Эҳтимол бу оғир дамлар ўтиб кетар, лекин айни пайтда деярли ҳаммамиз муҳтожликда, қўл учиди ҳаёт кечиришмиз. Ҳаттоқи бозордан бир кило гўшт олиб, қозон қайнатишга ҳам баъзан пулдан қизганамиз.

Аммо орамизда шундайлар ҳам борки (кўп эмас, аммо баригир борда), 40 сўм эмас, 60-70 сўм бўлса ҳам ўша икрани сотиб олиб истеъмол қилишини ўйлашади. «Уддабурон»да, пул тошишинг ўзига хос «айўларини билишади. Үндайлар фирибгар-чайқовчини ушлаб беришини эмас, аксинча ҳимоя қилишини кўпроқ исташади. «Ўзинг беролмайсан, берганни кўролмайсан, шунча олис масофадан тансиқ таомни олиб келишининг ўзи бўладими? Унга раҳмат айтиш керак қайтана!» — деб ўзларича фалсафа тўқишиди.

Агар масаланинг ана шу томонларини ҳисобга оладиган бўлсак, Петропавловск-Камчатдан ташриф буорган «ҳожатбарор меҳмон»ни айнина бўйнига қўйиб, ИИБ-га келтириш осон бўлмагандир. Ҳар ҳолда шаҳар ИИБ БХСС бошқармаси ходими милиция капитани А. Охунов, ИИВ БХСС бошқарма-



си ходими милиция катта лейтенанти В. Алексеев, Кирор тумани ИИБ БХСС ходимлари милиция катта лейтенанти С. Ҳоликов ва милиция капитани И. Каримовлар бу ишни қойилмақом қилиб уddaладилар.

Тошкент шаҳар ИИБ терговчиси милиция лейтенанти А. Абдуллаев бу иш юзасидан жиноят мажмусининг 175-моддаси З-қисмига асос-

ланиб, тергов ҳаракатларини бошлаб юборди.

Ҳа, бозор шунаقا жой. Бу ерга кимдир ўзининг ҳожатини қоплаш учун келади, кимдир кимнинидр алдаш учун. Лекин ҳалқимиз нима эксанг, шуни ўрасан, деб бекиз айтмаган. Бу ёғи ҳисобли дунё.

Суратда: чайқовчидан мудодара қилинган икralар,

Сураткаш Боқиён ҲОЛМИРЗАЕВ.

Ильмур ака-ука Носир ва Нодир Дўстмуҳамедовлар билан сұхбатлашиб турарди. Уларнинг ёнига Константин яқинлашди. Болалар кўчанинг нариги юзида турган «КамАЗ» машинаси ичидаги магнитофонни ўмарин режасини тузнишгаёт экан. Константин уларнинг сұхбатини охиригача эшитди. Бироқ ўғирлик қилишдан бош торт-

БОЗОРЧИ ЙИГИТЧАЛАР

ди.

Эртаси куни эса Константинин ўйқлаган ўртоқлари уни «Фарҳод» бозорига бошладилар. Тўртловон магнитофонини сотиб, пулни бўлиб олишиди.

Бозорини қилиб қайтайдиган йигитчаларни милиция

ходимлари кутуб олдилар.

Уларнинг ўшлиги, ўрлиги ҳисобга олиниб белгиланган жазо муддатлари кечиктирилди.

Айтинг-айting, бундан ўзлари ҳам, ота-оналари ҳам сабоқ чиқаринни.

М. ИСРОИЛОВА.

«ПИЁН» ЎГРИ ВА...

Юсуф Дўстқобилов Будён-ний номли давлат ҳўжалиги ҳудудида жойлашган Ажрим қишилогида яшайди. Қасби — тракторчилик.

Бир куни нима бўлдио у Яккабог шаҳрига йўл олди. Омадни қаранг, шаҳарда анчадан бери кўрмаган дўсти Самадни уратиб қолди. Ҳурсандчиликдан улар аввалига томоқ ҳўллашди, кейин «юзта-юзта» қилишди. Сабрлари чидамади, шекилли, биратуларни шиншадан «култиллатиб» ичишиди.

Дунёни унугтган қадрдорнинг калласида уйга кетиши фикри ҳам бор экан, автобусга ўтириб, йўлга туцишиди. Автобусни қаёқка кетаётганинни суришти-

ришмади ҳам. Шунчалик кайфи чоғ эди уларнинг.

Бир пайт Юсуф кўзини очиб қараса, бекатда турибди. Бутунлай иотаниш жойлар. Дўстини излади. Тополмади. Автобусдан тушиб қолгани бўлса керак. Дарвоҷе, автобус ҳам кетиб бўлди. Нима қилишини билмай, бир оз гарантсида. Нарироқда турган тракторга кўзи тушиди ярқ этиб калласига бир фикр келди. Трактор гуриллаб ишлаб туриди, бироқ эгаси нимагадир кўринмайди. Айни мудда. Тракторчи эмасми, дарров рулга ўтириб, «Қайдасан, Ажрим» дей газни босди...

Бу ёғи Юсуф учун қимматга тушди. Гурсиллаб аг-

дарилган трактор ичидан яхши одамлар чиқарип олишиди. Кўкрак қафаси синган экан,

...ЮЗСИЗ ТАЛОЧИЛАР

Гўзал ўша куни шаҳардан қайтайдиган эди. Йўлда автобусдан тушиб қолиб, қишлоқ томон яёв жўнади. Орқадан дунёни бузбиз келаётган мотоцикл шундоқини ёнига келаб тўхтади. Үндан иккни киши туша солиб қизга ёпишилар. Қўрқиб кетган Тўзал жон аччиғида қичири бошлади. Қаттиқ қаршилик кўрсатди. Ниятлари амалга ошимаган безорилар унинг қўлидаги узукни сугуриб олиб, қочиб кетишиди.

Келинчак бўлган воқеанин турмуш ўртогига йиглаб-йиглаб айтиб берди.

Дарҳол Яккабог тумани

дарҳол касалхонага жўна-тишиди. Соғайиб чиққач, жазо олиши тайин.

...ЮЗСИЗ ТАЛОЧИЛАР

ИИБга хабар қилишиди. ЖҚБ катта инспектори милиция капитани Эргаш Жўраев, участка назоратчиси милиция лейтенанти Баҳтиёр Матмовларнинг аниқ ва тезкор ҳаракатлари натижасиз бўлмади. Талончилар Тўра Қурбонов ва Эркин Имомов суд залининг энг файзиз жойнига ўтирадиган бўлишиди. Тўра Қурбонов учун бу жой бегона эмас экан. Уни аввал ҳам бир марта судланганлиги аниқланди.

Баҳридин АЛИҚУЛОВ, Яккабог тумани ИИБ бошлигининг ўринbosарни милиция капитани.

АССОЦИАЦИЯ ТУЗИЛДИ

Фарғонада жумҳурият ҳалқ депутати милиция генерал-майори Р. Абдуллаев ташаббуси билан ички ишлар ходимларини ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қулиувчи «Қалқон» деб номланган ассоциация ташкил этиди.

19 октябрь куни вилоят ИИБда ўтказилган конференцияда делегатлар ана шу уюшма устави ва тизимини тасдиқлашиди. Ҳудди шунингдек, йигирма кишидан иборат «Қалқон» кенгаши тузилиди. Вилоят ИИБ тиббий қисми бош врачи ички хизмат подполковники Н. Ваҳобов бир овоздан уюшма раислигига муносиб топилиди.

Конференцияда ассоциация пул жамғармаси ҳақидаги масала ҳам мұхқома қилинди. Милиция ходимлари маошларининг 0,5 фойзи ва манбаатдор ташкилотлар томонидан тушадиган тўловлар ҳисобига жамғармани шакллантиришга келишиб олиниди.

«Қалқон» эндилика биринчи навбатда хизмат бурчани ўтайдиган ҳалол бўлган ёки шикастланган милиция ходимлари оиласларига ёрдам беради, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя этади.

М. КИМСАНБОЕВ.

ТАЙИНЛАНУВ

Ўзбекистон жумҳурият ички ишлар вазирининг буйруғига мувоғиқ милиция подполковники Комил Ғапуров Тошкент вилояти ижроия қўмитаси ички ишлар бошқармаси бошлиги этиб тайинланди.

Комил Ғапуров, 1949 йилда Тошкент вилоятида туғилган, ўзбек, маълумоти олий, 1971 йилда Тошкент давлат дорилғунунининг ҳуқуқшунослик кулиятини, 1989 йилда эса ССЖИ ИИВ Академиясини битирган.

1971 йилда дорилғунунин туталлагандан сўнг ИИВ соҳасига ишга юборилди ва Тошкент шаҳри Фрунзе тумани ИИБ терговчиси этиб тайинланди. Кейинчалик эса Тошкент тумани ижроқуми ички ишлар бошламида ўрта ва юқори раҳбарлик лавозимларида ишлади. Аввал шу бўлим бошлигининг ўринбосари, сўнгра бошлиқ бўлди.

1991 йил апрель оидан бери эса Тошкент вилояти ижроия қўмитаси ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

Узбекистон жумҳурият ички ишлар вазирининг буйруғига асосан милиция подполковники Турсунхон Айдарович Худойберганов вазирликнинг жамоат тартибини сақлаш бошқармаси бошлиги этиб тайинланди.

Турсунхон Айдарович Худойберганов, 1951 йилда Тошкент вилоятида туғилди, миллати қозоқ, маълумоти олий, 1982 йилда ССЖИ ИИВ Академиясини туталлаган.

Ички ишларда 1975 йилдан бери хизмат қилиб келмоқда. Тошкент вилояти ИИБда ўрта ва катта раҳбарлик лавозимларида — Чирчиқ шаҳар ИИБда балоратга етмаганлар билан шуғулланувчи инспекция бошлиғи, бўлим бошлиғи ўринбосари, Бўка тумани ИИБ бошлиғи, вилоят ИИБ жамоат тартибини сақлаш бўллими бошлиғи, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўлими бошлиғи бўлиб ишлаган.

1990 йилдан бери эса Тошкент вилояти ижроия қўмитаси ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.



ДОИМИЙ КҮРГАЗМА

ЖИНОЯТ ҚИДИРУВ УЧУН
ТЕХНИКА.

МИЛИЦИЯНИ АСБОБ-АНЖОМ
БИЛАН ТАЪМИНЛАШ
КОМПЬЮТЕР ТЕХНИКАСИ
ТАШКИЛИЙ ТЕХНИКА



Авал хабар қилинганидек, полиция [милиция] учун маңсус техника восита-лари ишлаб чиқарышга иштисослашган Швейцариянинг бош [ЕЦЭ] ва Германиянинг уига бўйсунувчи [ЕЦГ] фирмалари вакиллари жаноб Ганс Моровец ва жаноб

Питер Бюхнерлар 26 сентябрдан 5 ок-тябргача жумҳуриятимизда бўлдилар.

Улар жумҳурият ИИВ раҳбарлари билан ҳамкорликда донмий кўргазмада намойиш этилаётган ва ички ишлар идоралари томонидан сотиб олишга мўлжалланган маҳ-

сулотларга талаб қандайлигини ўргандилар. Бу тадбир натижалари шуни кўрсатдик, экспонатлар ичida ходим ўзи билан бирга олиб юриши мумкин бўлган радиостанция ва маңсус тезнор техникия воситаларига инициаш катта.

Жаноб Моровец ва жаноб Бюхнер оқ-тябрь ойиннинг охирларида маидаатдор ташкилотларга мағзулот этиказиб берниш тўғрисидаги битимга имзо чекниш мақсадида яна жумҳуриятимизга келишади.

Исмонл ШОМУРОДОВ.

Мен поклика Ҳарофат қилдим

Биз хоҳлаймизми-йўқми, шундай бўлади. Маънавият ҳам иқтидиётдан бошланади. Раҳбар ҳам одам бўлгани учун у ҳам хато қиласи. Унинг хатоси учун эса болаларининг юзи бир умр шувут бўлиб ўтмаслиги керак.. Бу ишлар иккى томоннинг розилиги билан бўлган. Латофатни эса Умид тезлаган. Ўнга Номозов заправкани олиб бермоқчи бўлган. Лекин раҳбар дегани—қўлидан ҳамма иш келади дегани эмаску. Балки арзимаган иш учунномини ерга уришини хоҳламагандир. Ҳуллас, ҳозирча шошмай тур деб, иш бермаган. Бу эса Умидга алам қилган. Собиқ шоффер эмасми, кўпгина сирларини билади. Уларнинг алоқаси Умид ишдан бўшагандан кейин ҳам узилмаган. Бир куни раис унга Латофат ва унинг онаси Самарқандга олиб бориб келишини айтади. Йўлда эса Умид Латофатни Номозовга тезлайди. Бунга унинг ўзи ҳам икрор бўлган.

Унинг ўзини отишига нима дейсиз?

— У иккى кишининг ўлимига сабабчи бўлди. Вижони қўйналган бўлса керак. Қолаверса одамда шундай бир руҳий ҳолатлар бўлади, онг тўхтаб қолиши натижасида фақат бир нарсани ва шундан кутилишинига ўйлади. Агар шундай пайтда унинг ёнида ҳамдарди бўлса, ҳаммаси ўтиб кетиши мумкин. Бўлмаса ўлим билан туғайди. Номозов ва Умидларда шундай бўлди. Ҳуллас, гуноҳкорларнинг ҳаммаси ўз жазосини топди. Сен энди буни ёзib нимага эришмоқчисан?

Мен ҳеч нарсага эришмоқчи эмасман. Фақат бир нарсага ҳайронман, нега баъзи «ака»лар бу фожиа ҳақида ёзилишини хоҳлашмайди? Агар улар собиқ раҳбарларни шарманда бўлишини исташмайтган бўлса, наилож, менинг кимнидир шарманда қилиш фикрим йўқ. Бор гапни ёзмоқчиман, холос. Нияти, шундай экан, мени — муҳбирни эмас, балки, аввалимбор Номозовни қўриқлаш керак эди. Бўлиб ўтган воқеаларнинг фош этилмаслиги учун маҳаллий раҳбарлар ёраисларини ёки ўзларини аввалишмоқда. Иккинчиси кўпроқ ҳақиқатга яқинроқ бўлса керак. Прокурор, агар вафот этганларнинг орқасида қолганларни ўлаётган бўлса, нима ҳам дердик. Бу мақоланинг чиқиши улар учун бўлган муносабатни ўзгартирмайди, чунки уларни танийдиганларнинг барчasi нима иш бўлганини миридан-сирича билиштади. Шу жиҳатдан ҳақиқатни билиб қўйишса зарар қилмайди. Танимаганлар эса мақола чиққани билан барбири танимайди.

Ҳар кимнинг ўз қаричи бўлади. Ва ана ўша билан ўлчайди ҳамма нарсани. У ким бўлишидан қатъий назар. Мутлақ нарсадан ҳам ҳамма ҳар хил хулоса чиқади.

Б. Норовнинг гап оҳангидан асосий айни Номозов қилган, деган фикри уқиш

(Охири. Боши ўтган сонларда).

мумкин. А. Аъзамовнидан эса Латофат ва Умидлар асосий айборлар, деган хулоса борасиз. Бу мақолани ўқиган бир рўзнома ходими эса: «Аниқ бир хулоса, якун йўқ-ку», — дейди. «Хулоса» учун эса мен марҳумларнинг бирини маҳкам ушлаб, ҳаммага кўрсатишим керак: «Мана шу айбор». Бу жуда осон иш. Чунки, барча инсонларда бўлгани каби марҳумлардан ҳам хоҳлаганча айб топиш мумкин. Қолганлариникини ящириб, биттасинни сал оширасак, «бош айбор» тайёр...

Ният эса бу эмас эди. Марҳумларнинг тириклардан бир афзаллик томонлари борки, у ҳам бўлса қанча айб юкламанг, сўмсанг миқ этмайди. Худди шу нарсадан фойдалангим келмаяпти... Ният — воқеани қандай бўлган бўлса шундайлигича баён қилиш эди. Фақат Умидга ачиняпман, холос. Унинг айби йўқлигига ишонаман. Бўлса ҳам ўлум даражасида эмас.

Биз қандай хулоса чиқаришмиздан қатъий назар, бу фожиада бош қаҳрамон Номозовдир. Асосий айбор кимлиги номаълум бўлсада. Чунки, воқеанинг ҳаммаси унинг атрофида, унинг қилимларни учун содир этиялпти. Келинг, яхшиси ҳар бир марҳумни алоҳида-алоҳида муҳокама қилиб кўрайлил-чи, қандай бўларкин.

НОМОЗОВ. Унинг фожиаси — амали бўлди. Латофат билан 1979 йилдан бўён таниши. 1985 йилда эса у ўзи завол топган лавозимга сайланди. Ва худди шу йилда Латофат билан иккалаларининг орасида келишмовчилик қилиб чиқади. Кейин ҳаммаси силлиқ кета бошлади. Худди ўша вақтдан улар орасидаги муносабат ўзгарган бўлса ажаб эмас. Янни энди муносабат кўнгилнинг яқинлиги ва бошқа хусусиятлар асосида эмас, таъма ва қўрқув негизида кечади. Бирим алмадан таъма қиласи, бошқаси амалидан қўрқади. Чунки, бизда ҳалигача раҳбар одам эмас, деган ақида ҳукм суради. Уларда оддий одамлардаги хусусиятларни кўриш фожиадек.

Кўза кунда эмас, куниди синди. Мақола билан ўлганларга, уларнинг ортидан чирқиллаб қолганларга ёрдам бериб бўлмайди. «Мен поклика ҳаракат қилиб кўрдим, иложсиз» деб ёзди марҳум.

Хитой донишманди Хун Чизиченинг қўйидаги сўзларига эътибор беринг: «Ҳокимият ва манфаат, дабдаба ва шон-шуҳрат, мана шуларга алоқаси бўлмаган одам чиндан ҳам тозадир. Аммо шуларга даҳлдор бўла туриб, ўзига гард юқтирмаган одам иккиси бора тозадир». Ҳокимиятга алоқадор бўла туриб тоза ҳолда қола билиш иккиси баравар оғирроқ экан. Ҳокимиятга эгаларни кўпчилик соғ қолмасликка мажбур этади. Латофат ана ўшаларнинг бири.

ЛАТОФАТ. Замонавий юзсиз, ҳаёсиз аёллардан бири

бўлса керак. Воқеалардан чиқарилган хулоса шу. Ўз танаси ҳисобига таъмагирлик қилиб юрган аёлни бошқача аташ мумкин эмас. У Номозовнинг ишхонасига кўп марта келган. Ӯлими куни кечки пайт унинг хотини билан утрашган.

«Нимага келдинг? — дедим. Уйни кўргани келдим, эрингиз деч нарса демадими, манига ўйланган, деди».

[Н. Номозов хотинининг терговда берган кўргазмасидан].

Албатта, воқеалар бунчалик силлиқ кечмагандир. Ҳар ҳолда шунга яқинроқ бўлса керак. У молпараст аёл бўлган. 6 минг сўмга яқин тақинчоқ ҳазил гап эмасда. Бунинг устига раиснинг жуда катта сирларини ҳам билган. Номозов аҳмоқ эмаски, бўлмаган нарса учун бир одами ўлдириб юбораверса. У ҳам сўнгги имкониятини ишга солган... Бариги очкўзликнинг оқибати яхшилик билан тугамас экан.

УМИД. Ўйлашимча, бу ерда унинг унчалик айби бўлмаса керак. Биринчидан, у Латофатга шунча нарса тавсия ҳам этолмасди. Ҳайдовчи одам бунча пул ҳақида оғиз очишга уялади. Агар у бошқа бирорвинг гапини айтмаётган бўлса. Иккинчидан, Латофат ҳам шунчалар аҳмоқ бўлмагандирки, бир ҳайдовчининг гапига кириб, машмаша-ю жанжал қўзгагани. Бу орада сувдан қуруқ чиқаётган тўртингчи киши ҳам бор. Албатта, бу менинг фикрим. Шунга таянадиган бўлсан, иккиси ўртада ана шу «тўртингчининг ҳам айби Умидга қолди. Балки ўша тўртингчини Умид билар, балки билмас, ҳар ҳолда унинг ҳам айбини ўз елкасига олди. Тергов организатори бундай фикрга борганими-йўқми, менга қоронгу. Лекин мантиқ томондан фикрлайдиган бўлсан, шу келиб чиқади. Прокурор ҳам тенглашибириш сиёсати одамларни бир-бируни кўролмасликка, бахилликка олиб келгани ҳақида кўп гапирди. Билмадим, бу билан нима демоқчи.


Бўлар иш бўлди, бўёғи синди. Мақола билан ўлганларга, уларнинг ортидан чирқиллаб қолганларга ёрдам бериб бўлмайди. «Мен поклика ҳаракат қилиб кўрдим, иложсиз» деб ёзди марҳум.

Хитой донишманди Хун Чизиченинг қўйидаги сўзларига эътибор беринг: «Ҳокимият ва манфаат, дабдаба ва шон-шуҳрат, мана шуларга алоқадор бўла туриб тоза ҳолда қола билиш иккиси баравар оғирроқ экан. Ҳокимиятга эгаларни кўпчилик соғ қолмасликка мажбур этади. Латофат ана ўшаларнинг бири.

Марҳум юқоридаги гапни ёза туриб нимани назарда тутган? Хусусиятларини, қай-

саrlигиними ёки жамиятдаги қийинчиликларни, ифлосликларни — билмадим.

Кишини ажаблантирадиган яна бир нарса бор. Номозовнинг қонунсиз хотини бир неча марта унинг ишхонасига келган экан. Ижроя қўмитасида, партия қўмитасида ишлайдиганларнинг кўпчилиги уни таниган. Уларнинг орасидаги муносабатлардан хабардор бўлган. Лекин шу пайтгача ҳеч ким лом-мим демаган. Агар шу ишни сиз билан биз қилсан, бутун оламга ёйиб, шов-шув қилишган бўлишар эди. Амалдорларга қолгана эса ҳамма жим.



тоқларини унумтабди. Кечирим сўрабди. Улар-чи, улар вақтида нега жим юришибди? Баъзилар унинг орқасидан тош ҳам отиб юришибди. Бизда марҳумларни ёмонлашмайди. Улар қилган ишларини қилиб юйишган. Энди ҳеч нарса қилишомлади. Шунинг учун бўлса керак, марҳум гуноҳлари учун кечирим сўрабди. Уларнинг ишидан хулоса ясаса яхши.

Ўқувчилардан илтимосим, марҳумнинг хотини синчилаб ўқинг. Амалдор акалар, сизлар ҳам хулоса чиқаришларнинг учун ўзларингиз като қилишларнинг шарт эмас. Мана тайёргина хато, тайёргина сабоқ.

Бир аёлнинг макри 40 эшакка юк бўлади, дейишиди. Муаллифнинг уларга хурмати катта. Лекин одамлар ҳам бу мақолни ҳавасакта тўқишигани йўқ. Буни унумтаган киши зарап кўрмайди.

Латофатнинг макри анча қимматга тушди. У Номозовнинг маънавий бузуқлигидан фойдаланиб, ўзини жуда юқори нархлаб юборди. Шу нархнинг оқибатида бу тана нишларгидир ем бўлиб кетишини тасаввур ҳам қилмайди.

Унинг иккита фарзанди бор. Бири Номозовнинг ўғли. Шуларга қийин. Йўқ... Ўлган ўлди-кетди. Тириклар яшайверади, отасиз бўлар, онасиз бўлар — яшайверади. Вақти келиб бу воқеаларни уларнинг юзларига солишлари мумкин. Мана шуниси азоб.

— Одам ўлдириш осон иш эмаску, раисни нима бунга мажбур этди? Оддий жанжаллар, «деди-деди»ларнинг ўзигина бу нарсага сабаб бўлолмайди. Афтидан Латофат унинг қандайдир йирик бир сирини билган ва шу билан қўрқиттан. Иккаласининг алоқаси эса, маълумки, кўпчиликка сир эмас эди. Бу ерда бошқа бир мавзу бўлса керак.

Бу Б. Норовнинг гапи... Нима эди ўша бошқа мавзу — номаълум.

ТЕРГОВ ишлари ёпилиб кетди. Бу бўйича жазоланадиган одамнинг ўзи қолмайдек. Лекин тўлиқ ҳақиқат барбири юзага чиқмай қола-верди. Хусусан, Латофат Номозовни нима билан қўрқитди? Раис унчаличага чўчиб, одам ўлдиришгача борадиган эмас эди. Тўртингчи одам ким? Агар у Латофатнинг тўқимаси бўлмаса, албатта бор. Ва у Умид эмас.

— Ҳаёлга эрк берадиган бўлсан, кўп хулосалар чиқаришмиз мумкин, лекин у асос бўлолмайдида, бирор амалий ишни рўёбга чиқариш учун.— дейди прокурор.

Ҳаёлга асосланиб бир нарса қилиш қийин... Майли, бу ёгина қонун ҳимоячилари ихтиёрига қўйиб берайлар. Биз учун асосийи хулоса...

Инсон ўзи хато қилаётганини ҳамма вақт ҳам билавермайди. Агар Номозовга вантида айби айтилганида, чоралар кўрилганида, воқеалар бунчаликка бормасмиди балки.

Марҳум ўлими олдидан ҳам бирга ишлаган барча ўр-

Узбекистон жумҳурияти ИИВ раҳбарияти ва шахсий таркиби Жиззах вилояти ижроя қўмитаси ички ишлар бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари, Григорий Абелович Гайрянга онаси

Аси Нагапетовна ГАИРЯННИНГ бевақт вафот этиши муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.